

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил июль ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, Қарши шаҳар “Кунчиқар” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Б.Умировнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Чуллиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Сайитов, гумон қилинувчи Д.Жураев ва унинг ҳимоячиси адвокат И.Юлдашев, жабрланувчи У.Меғлиеванинг иштирокида,

Жураев Достон Жалил ўғли, 2001 йил 2 январда Қарши шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, буйдоқ, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Қарши шаҳар, “Ғ.Ғулом” маҳалла фуқаролар йиғини, Ғ.Ғулом кўчаси, 11-уйда яшайди, ярашув қарорини нусхасини 2022 йил 20 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланишга оид 1-1801-2205/430-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Жураев Достон Жалил ўғли 2022 йил 15 май куни соат 20:30 лар чамасида ўзининг бошқарувидаги Некция-2 русумли 70E385NA давлат рақамли автомашинасида Қарши шаҳар И.Каримов кўчаси билан Ерқўрғон бозори томон ҳаракатланиб, 4-мактабнинг рўпарасида пиёдалар ўтиш жойида йўл четидаги йўловчини олиш учун тўхтаб, орқа томонга ҳаракатланиб йўлни кесиб ўтаётган 1998 йилда туғилган Меғлиева Умида Эргаш қизини уриб юбориб йўл транспорт ҳодисаси содир қилган.

РШТЎИМ ҚФ нинг 10.06.2022 йилдаги 1668\7-сонли хулосасига кўра Меғлиева Умида Эргаш қизининг жароҳати ўнг елка суяги ўрта учлигидан ёпиқ синиб силжиши, калла миянинг ёпиқ шикастланиши, бош миянинг чайқалиши, бошни тери ости гематомаси ва қўл оёқларидаги бир нечта шилинмалар кўринишидаги жароҳатлар мавжудлиги оғирлик даражасига кўра умумий меҳнат қобилиятининг салмоқли қисмини йўқотилишига олиб келадиган оғир шикастлар гуруҳига киритилиши хулоса қилинган.

Мазкур жиноят иши тарафларнинг дастлабки тергов давомида ярашганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 584-моддаси тартибда судда кўриб чиқиш учун юборилган.

Жабрланувчи У.Меғлиева суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Жураев Достон Жалил ўғлига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Д.Жураев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги,



қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи У.Меғлиевага етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафларнинг фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Жураев Достон Жалил ўғлининг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи У.Меғлиева ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув тарафларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Жураев Достон Жалил ўғлига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи У.Меғлиевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотиши тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисим, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Жураев Достон Жалил ўғлига нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи У.Меғлиева ва гумон қилинувчига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Умиров

Ажрим аслига тўғри:

